



ИШОНСН


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 16 октябрь, чоршанба № 164 (1381)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БУНЁДКОРЛИК ВА МАЪНАВИЯТ УЙҒУНЛИГИ - ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 14-15 октябрь кунлари жойларда ислохотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида бўлди



Юксак маънавият инсонни улуғлайди, халқни буюк мақсадлар йўлида бирлаштиради. Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ фаолиятимиз учун дастуриламал бўлган бу ҳақиқат бугунги кунда тўла рўёбга чиқмоқда. Бой миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, улуғ аждоғларимиз хотирасини эъзозлаш, уларнинг буюк меросини ўрганиш борасидаги эзгу амалларимиз ўз самарасини бермоқда.

Шу маънода, Президентимиз Ислон Каримовнинг ўз сафарини Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний ҳазратлари каби буюк зотларнинг ёдгорликларини зиёрат этишдан бошлагани замирида ҳам ана шундай боқий қадриятларимизга бўлган юксак

эҳтиром мужассамдир. Ул зотларнинг халқпарварлик руҳидаги амаллари ва инсонни қомилликка чорловчи ўғитларининг тарбиявий аҳамияти бугунги кунда ҳам бекиёсдир. Нақшбандия тариқати асосчиси бўлган ватандошларимизнинг «Даст ба кору дил ба ёр» («Кўлинг ишда, дилинг Аллоҳда бўлсин») деган хикматли сўзлари аҳли инсонни диёнатга ва ҳалол меҳнатга даъват этади.

Маълумки, Юртбошимиз ташаббуси билан 1993 йилда Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонланган ва ул зотнинг қаровисиз, харобадан бўлиб ётган қадимжоси таъмирланиб, катта ободончилик ишлари амалга оширилган эди.

Бироқ, Президентимиз сафар чоғида таъкидла-

нидек, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлигини янада обод қилиш, тўбдан таъмирлаш ва кенгайтириш зарур.

Сўнгги йилларда ўз қўлимиз, ўз салоҳиятимиз билан обод этилган Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Мотуридий ҳазратларининг мақбаралари бугунги кунда бутун дунё мусулмонларининг муқаддас зиёратгоҳларига айланди. Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний ҳазратларининг ёдгорликларини ҳам ўшандай юксак даражада таъмирлаш ва ободонлаштириш зарур, деди Президентимиз.

Келгуси йили Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг 900 йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонланади. Шу муносабат билан Гиждувон шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Албатта, бу

ислохотларнинг марказида Хожаи Калон шарафига сазовор бўлган Абдуллоҳиқ Гиждувоний ёдгорлик мажмуи турати. Зиёрат чоғида Ислон Каримов бу қадимжони ҳам обод қилиш, ҳазратнинг қабри ёнида Мирзо Улуғбек бунёд этган масжид-мадрасани таъмирлаш билан бирга юксак тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Негаки, эзгу ва савоб ишлар пок, иймонли авлодни тарбиялашга бекиёс ҳисса қўшади.

Бу йил дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Шайхисабзнинг 2700 йиллик тўйи кенг нишонланади. Юбилей муносабати билан шаҳарда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ислон Каримов қадим Кешнинг соҳибқирон Амир Темур номи билан аталувчи майдонда бўлди.

Давлатимиз раҳбари буюк соҳибқирон мадани-

яни киритиш зарурлигини таъкидлади. Чунки бунёдкорлик муқаддас қадимжонларнинг диний, меъморий, таърихий хижатларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай эътиботларни ободонлаштириш муқаддас динимизга бўлган покиза эътиқодимизни янада мустаҳкамлаш билан бирга юксак тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Негаки, эзгу ва савоб ишлар пок, иймонли авлодни тарбиялашга бекиёс ҳисса қўшади.

Бу йил дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Шайхисабзнинг 2700 йиллик тўйи кенг нишонланади. Юбилей муносабати билан шаҳарда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ислон Каримов қадим Кешнинг соҳибқирон Амир Темур номи билан аталувчи майдонда бўлди.

Давлатимиз раҳбари буюк соҳибқирон мадани-

яни, маърифат, бунёдкорликка алоҳида эътибор бергани, ҳар ишда етти ўлчаб бир кесиб қарор чиқарганини қайд этар экан, унинг фаолиятини ҳар бир юртдошимиз тегаран ўрганиши зарурлигини таъкидлади.

Ислон Каримов шаҳардаги Доруттиловат ёдгорлиги мажмуида Шайх Шамсиддин Кулол, Доруссаодат ёдгорлик мажмуида Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзо мақбараларини зиёрат қилди. Ривоят қилишларича, саркарда бобомиз Жаҳонгир Мирзо мақбараси қурилишини охирига етказмай тўхтаган. Ниҳоятда етмаган гўмбаз ёш шахзода умрининг бевақт хазон бўлганини эслабди туриши керак эди.

(Давоми 2-бетда).

ЛОНДОНДА ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида жойлашган муҳташам «Ҳай Вайком» спорт мажмуи ўз бағрига ўзбек курашига қизиқувчи ёшлар ва уларнинг мухлисларини чорлади. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Кураш халқаро ассоциацияси Фахрий Президенти Ислон Каримов номи билан аталувчи анъанавий халқаро турнир учинчи марта ташкил қилинди.

Ҳам ёшлар, ҳам катталар ўртасидаги беллашувларда Британия қироллиги тасарруфидоги давлатлар ва кураш ватани Ўзбекистондан полвонлар иштирок этди. Ўғил болалар беш, қизлар эса тўрт вазн тоифасида гиламга чиқди. Кураш оламидаги янги номларни кашф қилиб берган мазкур мусобақанинг, айниқса, мутлоқ вазн тоифасидаги баҳслари қизиқарли кечди. Унинг финал беллашувида ўзбекистонлик икки полвон - яқиндагина кураш жозибасини Жанубий Кореянинг Чунгжу шаҳрида кўргазмалли чиқишлар орқали намойиш этган Иброҳим Каримов ва Илҳом Шералиев ўзаро учрашди. Унда Иброҳим полвоннинг қўли банд келди.

Буюк Британия Кураш федерацияси раҳбари Тим Томас ташаббуси ва ташкилотчилигида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган турнирда бу гал вазни 30-36 килограмм келадиган болалар ҳам ўзбекона яқтак кийиб, куч синашгани эътиборга лойиқ. Бу Европа ёшларининг миллий спортимизга бўлган катта қизиқишидан дарак беради.

Лондонда Ислон Каримов турнири ўтаётган бир пайтда Кураш халқаро ассоциациясига GAISF (Халқаро спорт федерациялари бош ассоциацияси) қароргоҳи жойлашган Монте Карло шаҳридан ХКА президенти Комил Юсупов номига хат келди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Жаноб К.Юсупов! Биз сизнинг ташкилотингиз фаолиятини мунтазам кузатиб келмоқдамиз. Кураш халқаро ассоциациясининг оламшумул ютуқларидан хабардоримиз. Шунинг учун ҳам ХКА GAISFнинг муносиб аъзоларидан бири бўлиши учун Сизни 2002 йилнинг 22 октябрь куни Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ўтаётган ассамблея йиғилишига таклиф этамиз».

Таъкидлаш жоизки, GAISF - Халқаро олимпия қўмитасидан сўнг спорт оламидаги энг нуфузли ташкилот саналади. Дунёга чиққан янги спорт турларининг Олимпия уйинлари дастуридан ўрин олишида GAISF томонидан бериладиган йўлланма муҳим ўрин тутган.

Демак, 1998 йил 6 сентябр (ХКА тузилди), 2002 йил 4 октябрь (кураш Осиё уйинлари таркибига киритилди) каби муҳим саналар қаторидан 22 октябрь ҳам ўрин олади - кураш GAISFга аъзо бўлади. Олдинда эса янги манзил, янги доvon - Олимпиада чорламоқда.

Озод РАЖАБОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

НАТО ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Шу кунларда мамлакатимизда НАТО Парламент Ассамблеяси делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.


Сухбат чоғида Ўзбекистон билан НАТО ўртасидаги ҳамкорлик самарали кечаётгани, турли соҳада ўзаро яқин алоқалар ўрнатилгани таъкидланди. Ўзбекистоннинг НАТО ташаббуси билан ўтказиладиган турли тадбирлар, дастур ва лойиҳаларда фаол иштирок этаётгани бу фикрнинг аққол далилидир. Мамлакатимиз халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар контрабанда-сига қарши кураш борасида ҳам НАТО билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ташқи ишлар вазири-

лигида бўлган учрашувда мамлакатимиз билан Шимолий Атлантика иттифоқи ўртасидаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш, истиқболда амалга оширилиши мумкин бўлган дастур ва лойиҳалар ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу кўни НАТО Парламент Ассамблеяси делегацияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазириликда ҳам бўлиб, мамлакатимиз мудофаа мақамаси раҳбари Қодир Фуломов билан музокара ўтказди.

(ЎЗА).



ҒОЛИБЛАР

XIV Осиё ўйинларида ўзбекистонликлар томонидан қўлга киритилган 15 та олтин медалнинг 9 таси касаба уюшма спортчиларига тегишлидир

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган XIV Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Ушбу нуфузли мусобақада 214 нафар ҳамкоримиз спортнинг 24 тури бўйича баҳсларда иштирок этди. Кўни кеча мусобақанинг сўнгги кунларига қадар беллашувларда қатнашган бир гуруҳ спортчиларимиз Пусандан Тошкентга етиб келишди.

Пойтахт аэропорти. Карнай-сурнай садолари янграйди. Қўлларига чиройли гулдасталар тугган ота-оналар, мураббийлар, фахрийлар, ёш спортчилар, мугасаддилар юзларида ажиб табассум, ифтихор туйғулари акс этган. Зо-

тан, спортчиларимизнинг Осиё ўйинларидаги зафарли иштироки яна бир бор Ўзбекистонимиз номи дунёга дoston этди. Жанубий Корея кураш майдонларида вакилларимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўп бор юксак кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Бундан фахрланмай бўладими, ахир?! Энг муҳими, бу галги қитъа ўйинларида ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан юксалиш кўзга ташланди. Хабарингиз борки, мустақил юрт тарма жамoиси сифатида қатнашган аввалги иккита мусобақада спортчиларимиз 42 тадан медалларга сазовор бўлишган эди. 43 мамлакатнинг 18 мингдан орти-

қ спортчилари катнашган бу галги беллашувларда эса 15 та олтин, 12 та кумуш ва 24 та бронза, жами бўлиб 51 та медал жамғарилди. Мазкур медалларнинг 31 таси касаба уюшма вакилларига тегишли. Қувончлиси, бугун энг оммавий жамоат ташкилотининг спорт мактаблари тарбияланувчилари кўксини XIV Осиё ўйинларининг 9 та олтин медали беэаб турибди. Хусусан, муҳлису мугасадчилар эътирофи, олқишига сазовор бўлган маҳоратли спортчиларимиз — гимнастикчи Ольга Чусовитина 2 та олтин, 2 та кумуш, байдаркчи Антон Ряхов 1 та олтин, 2 та бронза медаллари о-

либди. — XIV Осиё ўйинларида қатнашган 43 мамлакат вакиллари ичида тарма жамоамизнинг бешинчи ўринни эгаллашга спортчиларимиз ҳам муносиб ҳиссаларини қўшдилар, — дейди фахр билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Баҳодир Тожиёв. — Бинобарин, биз ғалабаларимизга қаттиқ ишонардик. Чунки мусобақада пухта тайёрғарлик қурилди. Замонавий спорт мажмуаларида машғулотлар олиб бориш имкониятлари яратиб берилди. Шунингдек, тарма жамоа аъзоларига ма-

лакали мураббийларимиз бириктириб қўйилганлиги ҳам ҳал қилувчи рол ўйнади. Дарҳақиқат, XIV Осиё ўйинларида қатнашган ҳамюртларимизнинг 66 нафарини касаба уюшма спортчилари ташкил этди. Уларнинг салкам тенг ярми совринли ўринларни эгаллашди. Айниқса, Ольга Чусовитина (спорт гимнастикаси), Антон Ряхов, Надежда Пишулина, Юлия Борзова, Антонина Маскалёва (байдарка ва канозда эшак эшиш), Равиль Начаев (суаши), Алексей Чеглаков, Дилшод Орипов (юнон-рум кураши), Бекзод Хидиров (бокс), Эгамназар Акбаров (дзю-до)лар иштироки

да кўпчилики мамнун эди. — Мусобақалар осон кечмади, албатта, — дейди голиб спортчимиз, байдаркчи Надежда Пишулина. — Чунки рақибларимиз, жумладан, Хитой ҳамда Жанубий Кореяликлар сафида тажрибали спортчилар кўпчиликини ташкил этарди. Лекин ватандошларимиз ишончи бизга мудом куч-қувват бағишлаб турди. — Мен учун эса, айниқса, ярим финалдаги баҳс гоёғир бўлди, — дея суҳбатга қўшилибди бокс бўйича Осиё ўйинлари голиби Дилшод Мансуров. — Шунга қарамадан малайзиялик рақибим устидан ғалаба қозон-

дим. Бу ютук финал учрашувида ҳам кўтаринкилик билан «жанг» олиб боришимга туртки бўлди. Она Ватанимга голиб сифатида ёруғ юз билан қайтганимдан бахтиёрман. — Ҳа, Ватан ҳақиқий маънода фахрланадиган асл ўғил-қизларини эър шодидна билан кутиб олди. Зотан, уларнинг эрта-индин яна қўллаб-нуфузли мусобақалардан ёруғ юз билан қайтишига шубҳа йўқ.

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.

Икром ХАСАНОВ олган суратлар.

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ

Бугун у қандай бўлиши керак?

Жамиятимизда бозор иқтисодиёти тамойиллари мустаҳкам қарор топиб бормоқда. Бу жараёнда инсон манфаатларини химоя қилиш, ижтимоий адолатга эришиш, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳамда қонун устиворлигини таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилди. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг меъриёв-ҳуқуқий негизи вужудга келтирилди. Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг III Қурултойи жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар жараёнида қасаба уюшмаларининг Харакат дастурини қабул қилди. Унда белгиланган вазифаларни бажариш борасида Самарқанд вилоят қасаба уюшмалари ҳам амалий натижаларга эришмоқда.

ба уюшмалари кенгаши ва тармок кўмиталари арасида бўлиб қолган зарар учун ҳодимларга жами 2,5 миллион сўм ундириб берилди.

Иш ҳақини вақтида тўлаш, янги иш ўринларини вужудга келтириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб турибди. Шунингдек, улар учун сут маҳсулотлари ва бир маҳал иссиқ овқат ташкил этилган.



Пайриқ туманидаги «Челак пахта тозалаш» ОАЖда 522 нафар ишчи уч сменада меҳнат қиладилар. Уларнинг умумий меҳнат қилиб, мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча қўлайликлар яратилган. Хусусан, хизматчилар махсус кийим-бош, бепул дори-дармонлар билан таъминланган. Шунингдек, улар учун сут маҳсулотлари ва бир маҳал иссиқ овқат ташкил этилган.

«Шахрисабз-35» очик ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчилари намунали хизмат кўрсатишмоқда. Айни пайтда улар ёшларга ўз тажрибаларини ўргатиб, ҳаракат хавфсизлигининг олдини олиш борасида ҳам ибратли ишларни амалга ошираётганлар. Қорхона жамоаси қўлга киритаётган ютуқларда маъмурийат ҳамда қасаба уюшма кўмитасининг меҳнаткашларни ижтимоий химоя қилиш борасидаги

гамхўрликлари муҳим рол ўйнамоқда.

Суратларда: пахта тозалаш қорхонасининг илгор ишчиси Учқун Холиқов; ҳайдовчилар Холбобо Авлоқов ва Аслиддин Азимовлар пахта йигим-теримида фаол қатнашмоқдалар.

Ф.ХИДИРОВ ва **Ш.СУЛТОНОВ** олган суратлар.

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий химоялашнинг дебочаси уларни қасаба уюшмаларига жалб этишдир. Қурултойдан кейин ўтган давр мобайнида вилоятда 185 та янги қасаба уюшма ташкилотлари тузилди, аъзолар сони 6079 кишига ортди. Жами 76 та тармок битимлари, 2322 та жамоавий шартномалар орқали вилоят меҳнаткашларининг ижтимоий химояси таъминланган. Муҳими, қасаба уюшмалари иш услубини ижобий томонга ўзгартириб, меҳнаткашларга мададкор бўлмоқда.

Кейинги икки йилдан зиёдрок вақт мобайнида вилоят меҳнаткашларининг қарийб 7 минг нафари санаторий-курортларда, 14014 нафари санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди. Шунингдек, меҳнаткашларнинг 60 мингдан ортиқ фарзандларини дам олдиришга эришилди. Буларнинг 2843 нафари Оролбўйи болаларидир. Ажратилган йўланмаларнинг 52 фоизи ҳам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бепул берилди. Вилоятдаги мавжуд профилакторий, болалар оромгоҳлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмоқда.

Меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникасини таъминлаш доимий эътиборда бўлиб, бу соҳадаги ишлар изчил давом эттириляпти. Бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолият натижасида бир қатор қорхоналарда меҳнат шариоти яхшилашга, махсус кийимлар, шахсий химоя воситалари билан тўлиқ таъминлашга, қорхоналарнинг узлуksиз ишлашига эришилди. Қасаба кенгашилари, бахтсиз ҳодисалар қамқаб бораётгани бу соҳадаги ишлар натижасининг энг яхши далилидир.

Кийилар ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаганда ҳам жамиятда қонун устиворлигини таъминлаш мумкин.

Бунга эса ҳуқуқий саводхонликни ошириб эришилади. Шунинг учун вилоят қасаба уюшмалари кенгаши, бир неча йилдирки, туманларда ва тармокларда меҳнат қонунчилигининг амалдаги ижросига оид, иш бевучи ва ҳодим ўртасидаги меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий асосларига оид мавзуларда мунтазам равишда семинарлар ўтказмоқда. Бундай тадбирларда қорхоналарнинг раҳбарлари, ҳуқуқшунослари, масъул ҳодимлари қатнашиши яхши самара берди. Натижада меҳнат муносабатларида қонун бўлиши ҳолатлари камайди. Жамоа шартномалари ижросининг аҳамиятини иш бевучилар тобора кўпроқ англамоқдалар. Бу борадаги яна бир янгилик шундаки, меҳнаткашлар учун кўмақ қабуллар ташкил этилди. Бунда қасаба уюшмаларининг масъул ҳодимлари иқтисодий-ижтимоий манфаатларни, ҳуқуқларни химоя қилиш бўйича маслаҳатлар беришади, суҳбатлар ўтказишади.

Шунга қарамастан, айрим ҳолатларда, хусусан, авто-транспорт тизимидаги, Жомбой, Ургут, Нуробод туманидаги баъзи қорхоналарда меҳнат қонун талаби тўлиқ бажарилгани аён бўлди. Тегишли провадидида қасаба уюшмаларининг қатъий туфайли бундай камчиликларга барҳам берилди. Бу борадаги асосий муаммо жойларда адлия маслаҳатчилари етишмовчилиги, айрим қорхоналарда ҳуқуқшунос маслаҳатчилар йўқлиги билан изоҳланади.

Ҳуқуқий хизмат даражасининг ва таъсирчанлиги пастлиги туфайли баъзи ҳолларда иш бевучилар қонун талабини ҳам бажармаслик пайда бўлишмоқда. Бу ҳол, аниқсиз, ҳодимга етказилган зарарни қоплашда аниқроқ кўринадилар. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳодиса оқибатида у ёки бу даражада жабр қўрган меҳнаткашлардан тушган аризалар текширилганда шундай ҳулоса чиқарилган. Вилоят қасаба уюшмалари кенгаши ва тармок кўмиталари арасида бўлиб қолган зарар учун ҳодимларга жами 2,5 миллион сўм ундириб берилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар нихоятда долзарб масалаларни ўртага ташлашди. Хусусан, давлат муассасалари ва жамоатчилик хизмати ҳодимлари вилоят қасаба уюшма кўмитаси раиси А.Исоқов меҳнат муносабатларида меҳнат шартномаларининг аҳамиятини ошириш, тармокдаги қорхоналарда ҳодимлар ва уларнинг оила аъзолари учун тиббий суғуртани жорий этиш юзасидан қўрилаган чоралар тўғрисида гапирган бўлса, СамДУ қасаба кўмитаси раиси Б.Ялғошев талабаларни ижтимоий химоялашнинг янги йўналишларига доир тақлифларни ўртага ташлади. Каттақўрғон туман агроносоти мажмуи ҳодимлари қасаба уюшма кўмитаси раиси Х.Тўраев ижтимоий суғурта тўловлари тизимини қонун талабига мос ҳаракатга келтириш масалаларни бўйича ўз фикрларини баён этди. Пленум тегишли қарор қабул қилиб, ижросини таъминлашга киришди.

Туман ҳокимининг ўринбосари Бектемир Ўрабаев ҳамроҳлигида полизга бордик. Ҳосил ҳар қачонгидан ҳам мўл. Бободоҳтон меҳнати ва қуёш нурига қонан сап-сарик

Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири

Бозор талаби қатъий ҚУЗАТУВЧИМАС, ҲИМОЯЧИ БЎЛСИН

Олий Мажлис сессиясида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб савдо, умумий оқватланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ҳодимлари қасаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кўмитаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоялашга алоҳида аҳамият бермоқда. Аниқсиз, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, уларнинг ҳақли талабларини кўриб чиқиш ва ҳал этишга эътибор оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган ойларида қасаба уюшмасига 31 та ёзма, 166 та оғзаки муросалар бўлди. Уларнинг 90 фоизи ижобий ҳал этилди.

— Айрим раҳбарлар меҳнат Кодекси, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатловчи қонунларни яхши билмайди, дейди кўмита раиси Ҳамид Қўзимуродов. — Шунинг учун ҳам иш бевучилар томонидан талай камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Хар бир ҳатда инсон тақдирини бор. Шу бўлиб ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда масъулият билан ёндашиляпти. Термиз шаҳар «Барчиной» бозори очик ҳиссадорлик жамияти раиси С.Каримов ишчи Н.Мирзаевага боласи икки ёшга тўлгунча берилмаган нафақани тўламаган. Қасаба уюшма аралашуви билан нафақа ундириб берилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳодимларни ижтимоий химоялаш катта аҳамият касб этади. Қасаба уюшмаси ўз аъзоларининг меҳнатга ҳақ тўлаш, ойлик маошларини вақтида олиши учун иш бевучи билан баравар масъул. Қумқўрғон «Нон» масъулияти чекланган жамият раиси Х.Бақировнинг ўзбошимчилиги туфайли ишчилар С.Муьинова ва унинг турмуш ўртоғи М.Муьинов ноконуний ишдан бўшатилган. «Сурхон» улгуржи сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Уруш қатнашчиси Қ.Чоршаев, байналмилалчи Абдуғаффор Абдирахимов, қариялардан Мажинисо Фафурова, Ҳалим бобо Қўзиёев сингарилар бошқарув кенгаши ва қасаба уюшмасининг ёрдамидан мамнун.

«Сурхондарёсавдо», «Матлуботсавдо» ва «Бозор» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятлари билан тузилган жамоа келишувлари асосида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам уюштириляпти, санаторийларга йўланмалар билан рағбатлантириляпти. Аёлларга ҳомиладорлик таътилига 6 ойликдан чиқиб

ва маблағларни ташкилот ҳисобидан тўлаш ташкил қилинган.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан 5 нафар нафақахўр «Ишонч» рўзномасига ташкилот ҳомиёлигида текин олуна қилинди. Оилавий шариоти оғир кексаларга патронаж хизмати уюштирилган. Қасаба уюшма маблағлари ҳисобидан ҳар қоракда 120 минг сўмлик дори-дармонлар тарқатилляпти. 50 нафар фахрийлар вилоятдаги «Хондиза» дам олиш масканида текинга дам олдирилди. Тизимда кўп йиллар меҳнат қилган иккинчи гуруҳ ногирони В.Асанов, Ж.Қаюмовларга бепул озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Кўп болали, бокучисини йўқотган ёлғиз оналарнинг фарзандларидан 70 нафарига мактаб ошхоналарида бепул нонушта ва тушлик ташкил этилди.

Иззат ХИҚМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Бир йилда вилоят бўйича истеъмол қилинадиган электр энергия миқдори 202 миллион кВт.га тенг. Бошқача айтганда бир кеча кундузда 7,8 миллион кВт электр энергияси сарф қилинади.

Қиш даврига келиб, иссиқлик манбаига бўлган талаб ортиши табиий. Ана шунинг ҳисобига олган жамоа мавсумга ўзига хос тайёргарлик қўрди. Ҳозирги кунда Вазирлар Маҳкамасининг республика ҳалқ ҳўжалигини 2002-2003 йилги кузги-қишги даврида ишлашга тайёрлаш тўғрисидаги қарори ижроси босқичма-босқич таъминлаб бориляпти.

Ўзбек қовунлари ўзининг ширинлиги, хушбўйлиги билан дунёга машҳур. Ўтмишда Туррон заминига келган сайёҳлар мазаси тилни ёрувчи ширин-шакор қовунларни севиб истеъмол қилишган.

Олтин куз тўқинчилик фас-қовунлар олтиндек товланади. Маҳсулот тўғридан-тўғри бозорга чиқарилмоқда.

Ўтмишдан қовунни «Хонлар емиши» деб беҳиз айтишмаган. Қадимги Хоразм деҳқонлари, Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл, Беруний ва Хўжайли

қадимий экиннинг келиб чиқиш тарихи ва уни кўпайтириш соҳасида олиб бориляётган ишлар, муаммолар қаламга олинади. Айниқса, журна-

рувчи ҳудудлардан ҳисобланади. Бу ерда эртапишар гулоби, ширинпечак, гурбак, қораканд каби таркиби глюкоза ва шакарга бой қовунлар ўстирилади. Тансиқ неъматдан қиш ва баҳор фасллари учун мураббо, қовунқоқи тайёрланса энг яхши дармон дори ўрнини босади. Айниқса, қалин пучоқли «Шоббоз бешаги» ва олаҳамма қовунлари осиб қўйиб сақланса, май ойигача етиб келади.

2. «ШОББОЗ БЕШАГИ» ШУҲРАТИ ТИКЛАНДИМИ?

ли. Пайкалларга борсангиз, қовун ҳиди димоғингизни қитқилади. Пишганлари тарсиллаб ёрилади. Соҳибкор деҳқонлар эл дастурхонини нозу-неъматларга тўкин қилиш учун фидокорона ишламоқдалар.

Қорақалпоғистондан Хоразм ҳудудига ўтайдиган катта йўлнинг атрофи турли навадаги қовунларга тўла. Бири-биридан ширин ва мазали, нарҳи жуда арзон.

Воҳамизда етиштирилган қовунлар ўзининг тўйимлиги ва хушталовлиги билан аҳралиб ва туради, - дейди Беруний туманидаги Ўразаб Заманов фермерлар уюшмаси раиси Рустам Кунтўраев.

Фермер Кўчқор Тангрибергенов даласида 5 гектар майдонда полиз экинларни ўстириляпти. Кўриб, хавасингиз келади.

Шоббоз ва Бийбазор қовунларини араб халифалари, турк султонлари ва Россия императорлари саройларида довр-довр топганига ҳақида тарихий маълумотлар бор.

Иил бошида «Амур тонги» газетаси журналистлари ажайиб ташаббус билан чиқдилар. «Қовун хонлар емиши» деб аталган рукндаги материалларда

лист Реймбой Қозоқовнинг «Шоббоз бешаги» шуҳрати тикландими?» сарлавхали мақола-ласида муҳим мавзу кўтарилган. Берунийлик фидойи деҳқон Болтабой қовунчи Матризаев ўтган йили 5 гектар майдондан «Шоббоз бешаги»нинг уч-тўрт хилини экиб, 30 тоннадан зиёд сара қовун етиштирди.

— Хосилдор ерларга ёппасига пахта экила бошлаганлиги туфайли полизчиликни ривожлантиришга эътибор суйалган эди, - дейди «Қўнғирот» ширкат ҳўжалигида яшовчи нафақахўр, тажрибали соҳибкор Назарбой Ғойибов. — Пахта яккахокимлиги барҳам берилгач, сабзавот ва полиз экинлари майдонларини кўпайтириш учун кенг имконият очилди.

Назарбой ота 60 йиллик умрининг салкам чорак асрини қовунчиликка бағишлаган. Унинг сазй-ҳаракатлари билан экиннинг йўқолиб кетган ўндан зиёд нави тикланди.

Қорақалпоғистон қовунининг энг яхши навларини етишти-

Н. ТИЛЛАЕВ.

«Ишонч» фой этади

дан 397 таси судларга, 103 таси прокуратурага юборилди. 1 миллион 386 минг сўмдан ортиқ жарима ундирилди. Бундан ташқари, қарзи жуда кўпайиб кетган 6 минг 156 та истеъмолчи-га хизмат кўрсатиш тўхта-тилди. Натижада 1 милли-

Юртбошимиз айтганларидек савоб ишни ҳар биримиз ҳар кунни қилишимиз керак, - дейди қорхона қасаба уюшма кўмитаси раиси Бекмурод Тожиев. — Жумладан, Наманган шаҳридаги «Чаманзор» даҳасида жойлашган 10-қўпқа-ватли уйни электр қува-ти билан таъминлаш, янги қуриляётган ёшлар мажмуасини электрлаш-тириш, махалла фуқаро-лар йиғинларида аҳоли томонидан қўйилган та-лабларни бажариш каби хайрли ишларга ҳоми-лик қилинмоқда. Ана шу мақсадларга 80 миллион сўм маблағ сарфланди.

Хуллас, қорхона жамо-аси кузги-қишги мавсум-ини таъминотида узилиш-ларсиз ўтказишга инти-лоқда. Бунда Одил Зоки-ров, Содик Абдулопов, Тўхтаали Тожиев, Аб-дулла Камоллов, Собитхон Нишонов, Мўйдинжон Ка-лонов каби соҳанинг ти-ли-тинчимас мутахас-сислари бошқаларга ўрнак бўляпти.

«Ишонч» фой этади

ард 780 миллион 722 минг сўм қарз ундириб олинди. Йилнинг ўтган даврида электр хизматининг қандай ишлаётганини кузатиш шароитида таъминотида узи-лишлар бўлмастлигини, бир маромда иш ташкил қилиниши кераклигини ис-теъмолчилар қандай қилиб кутишлари мумкин. Қола-верса, тобора кўнлар қис-қариб, тунлар узайиб бор-моқда. Бу даврда электр энергиясига бўлган талаб ортади. Етарли молиявий сармоғ бўлмагач зарур эҳтиёж қисмлар, матери-аллар захираси ташкил қилиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Лекин қорхона мутахас-сислари миқозлар қарзни қачон тўлашар экан, деб қўл қовуштириб ўтириш-гани йўқ. Хусусан, Ўзбекис-тон Республикаси Маъму-рий жаобгарлик Кодекси-нинг 101-моддасига асо-сланиб, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича 527 та далолатнома ёзилди. Шун-

ҚАРЗНИ УЗИШ ҳам қарз, ҳам фарз

Аммо, Поп тумани электр тармоқлари хизма-ти дебитор қарзлар бўйи-ча «карвонбоши»-лики қўлдан бермаяпти. Шунингдек, мутахассис-ларнинг фикрига қараган-да бугун халқаро аҳамият-даги «Қамчиқ» домини учун ажратилган лимит етар-ли эмаслиги боис эъти-розлар бўлиб турибди, Мавжуд электр тармоқла-рини ва иншоотлар муҳо-фазасида муаммолар мав-

«Ишонч» фой этади

«Ишонч» фой этади

«Ишонч» фой этади

«Ишонч» фой этади

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 2003 йилда атоқли ўзбек шоири, академик Ғафур Ғулوم таваллудининг 100 йиллиги юртимизда кенг нишонланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги пойтахтимизнинг марказий қисмида барпо этиладиган Ғафур Ғулум ҳайкалининг энг яхши лойиҳаси учун

Республика очик танловини эълон қилади

Танловда профессионал ҳамда хаваскор ҳайкалтарошлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган лойиҳалар шу йилнинг 30 ноябргача Ўзбекистон Бадий академиясида қабул қилинади.

Танлов голиблари учун куйидаги совринлар таъсис этилди:

- Биринчи ўрин учун 500 минг сўм пул мукофоти; - Иккинчи ва учинчи ўрин эгаларига рағбатлантирувчи мукофотлар.

Танлов тўғрисидаги қўшимча маълумотларни 56-50-47, 56-53-46, 56-34-07 телефонлар орқали олиш мумкин.

Ташкилий қўмита



Қамаши туманидаги «Қизғалдоқ» фольклор этнографик жамоаси нафақат туманда, балки вилоятда ҳам таниқли. Болалар жамоасидан ташкил топган бу гуруҳ репертуаридан асосан миллий рақс ва ўйинлар ўрин олган. Ш.СУЛТОНОВ олган сурат.

Марказий Осиё ва Хиндистонда этнографик ва тилшунослик масалалари бўйича илмий кузатиш ишлари олиб бориб, шарқшунос олим сифатида танилган йирик фан арбоби Юрий Рерих таваллуд тоғлига юз йил бўлди. Лондон университетининг шарқ тиллари

ТАДБИР КОНЦЕРТГА УЛАНДИ

институтда таҳсил қўриб, бутун умрини илм-фанга бағишлаган бу аjoyиб инсон фаолиятининг бир неча йили Ўзбекистон билан боғланди. Тошкентда Рерих жамаияти тузилиши ҳам бежиз эмас. Ушбу жамаият йўли билан олим илмий меросини ўрганишга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда.

Ю.Рерих таваллудининг юз йиллиги эса Тошкентдаги хинд маданияти марказида нишонланди. Кечада сўзга чиққанлар шарқшунос олимнинг ҳаёт йўли тўғрисида гапирдилар. Профессор Анвар Қосимов, Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги Рафъул Тақтош ва бошқалар кеча иштирокчилари эътиборини олимнинг мамлакатимизда кечган фаолиятига қаратишди.

Бу маданий тадбир доирасида олимнинг ўғли расм Святислав Рерих чизган расмлар кўргазмаси намойиш қилинди. Концерт томошаси кўрсатилди.

А.АЛИЕВ.

Мерос

Маданият ва маърифат дунёни лол қолдирган шарқнинг нуфузи XIX асрга келиб вақтинча бўлса-да сўниб бораётган эди. Аммо бу жараёнинг абадий эмаслигини тарих кўрсатди. Ўз эрки, гурури, миллий аъналарини тиклаш учун халқ онгида инқилобий ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Маърифатпарварлик сари бурилиш юз берди. Фарғона губернатори, полковник Иванов бошчилигидаги ҳоким табақа тазйиқлари, 1916 йилги мардикорлар кўзғолони, Туркистон мухториятининг қонга ботирилиши ва бошқа ҳодисалар халқ оммасининг сабр-қосасини тошириб юборганлигини яна бир бор эсласак, жойларда мустақиллик, озодлик, демократик жамаият учун шиддатли курашлар кескин тус олганлиги сабаблари аниқ равшан намойён бўлади. Бу йўлда тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам кучайиб кетди. Қўқонда «Эл байроғи», Наманганда «Фарғона нидоси», Фарғонада «Садои Фарғона» газеталари сахи-

МАЪРИФАТПАРВАРЛИК САРИ БУРИЛИШ миллий истиқлол ғоясининг куртаклари

фалари истиқлолга интилиш руҳи билан тўлиб-тошди. Тилда, фикрда ва ишда бирлик лозимлигини шиор қилиб олинди. Қатор ёзувчи, зиёлилар бадий-публицистик асарлар ижод қилишга зўр беришса, таълимда ислохот ўтказиш лозимлиги ёқлаб чиқилди.

Шу ўринда 1917 йилнинг 26 ноябрида Қўқонда мусулмонларнинг 4-ўлка курултойи ўтказилиб, унда Туркистон мухторияти тузилганлигини, орадан кўп ўтмай, ёвуз кучлар * большевиклар томонидан аёвсиз тарқатилганлиги, бор-йўғи 72 кун яшаганлигини қайд этиб ўтиш мумкин. Аммо бу хунреликлар халқнинг бошига мислсиз қулфатлар ёғдирганлиги билан биргаликда меҳнаткаш, хурликка чанқоқ одамларнинг сафини янада жипслаштирди. Андижонда Чўлпон, Шамсиддин Шарофиддинов, Хуршид, Наманганда Носирхонтўра Калонхонтўраев, Исхонхон Жунайдуллаев Ибрат, Қўқонда Ҳамза, Абдурауф Саматов - Шаҳидий, Ашурали Зоҳирий, Пўлат Солиев, Обиджон Маҳмудов сингари жадидчиликнинг кўзга кўринган намояндлари адабиёт минбаридан туриб, маърифатпарварлик ғояларини илгари суришди.

Жадидчилик ҳаракати ўз-ўзидан чиққани йўқ. Унинг сафида минг-миглаб маърифатчилар ўрин олган эди. Ўзларидаги иқтидор ва фаоллики янада ошириш, таъриба тўплаш мақсадида М.Бехбудий, Фитрат, Носирхон Тўра, Исхонхон Ибрат каби ўнлаб зиёлилар Европа, Шарқ мамлакатларида ўқиб, дунёвий билимларни эгаллаб, ўз юртига қайтиб келишган. Туркистон мухторияти ҳукуматининг халқ маорифи вазири Носирхонтўра Камолхон Тўраев «Шўрои Исломия» ташкилотининг раҳбари сифатида ташкилотчилик ишлари билан шуғулланса, Ашурали Зоҳирий Фарғонада фаолият кўрсатади. Мунаққид Ғофуржон Маҳмудовнинг илмий-тадқиқотлариға кўра, Туркистондаги жадидчилик тўрт босқичга бўлинади:

- 1. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошлари. 2. 1910 йилдан 1917 йил (феврал ойида бўлган) рус буржуа - демократик инқилобига. 3. 1917 йил февралдан октябр инқилобига. 4. Соёқ шўро ҳуқуқронлиги билан боғланган даврни ўз ичига қамраб олади.

Жадидчилик ҳаракати ва унинг кенг миқёсда ёйилиши, истиқлол манфаати йўлида тарихий аҳамият касб этганлиги, бугунги доруломон ҳаётимизнинг ўша сиёсий - иқтисодий ҳодисаларга бориб тақалганлиги билан боғлиқ қатор муаммолар олдимизда кўндаланг бўлиб турибди. Шу жиҳатдан бу мавзуга бағишланиб, Термиз давлат университетиде ўтказилган «Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва мустақил Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғояси» мавзусидаги биринчи анжумани, ундан сўнг Андижонда «Фарғона водийсида жадидчилик ҳаракати тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари)» мавзусидаги иккинчи илмий-назарий конференциянинг ташкил этилишини бу йўлдаги хайрли ишларимиздан деб ҳисоблашимиз мумкин.

Қудрат Жўраев, филология фанлари доктори.

«АЛПОМИШ» ДОИМО ГАВЖУМ

Навоий шаҳри марказий шгулотларда минг нафарга яқин ёшлар иштирок этган бўлса, ҳозир улар сонини икки минг нафардан ортирди, - дейди спорт мажмуи раҳбари, вилоят армрестлинг президенти Абдураҳим Хотамов. - Ҳозиргача армрестлинг ва учқураш бўйича олти нафар республика чемпиони тайёрланди. Максимумиз - ёшларни спортга душ, сауна, чўмилиш хаваси ва спортчилар ошқоқлари ҳам иш бошлади. - Дастлабки пайтлар ма-

МАЛАКА ОШИРИШ УЧУН

Пойтахтимиздаги ўрта махсус, касб-хунар таълимни ривожлантириш институтиде Германия Техник ҳамкорлик жамаияти ёрдамида малака ошириш бўйича мультимедия курси очилди. Германия Техник ҳамкорлик жамаияти мамлакатимизда касб-хунар таълимни ривожлантириш учун 1,1 миллион евро ажратди. Шундан 300 минг евро олий ўқув юртлири ҳузуридаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлари ҳамда мазкур институт малака ошириш факультетиде дарс бераётган профессор-ўқитувчилардан мультимедия курслари ташкил қилишга сарфланади.

(ЎЗА).

Касаба уюшмаларида камол топганлар

ФАХРИДДИН ПОЛВОННИНГ ОРЗУСИ

Машҳур полвонларга хос бўлган бир одат бор. Улар фарзандларининг ҳам нуфузли мусобақаларда иштирок этиб ўзларидан-да машҳур бўлишини, юртининг фахрига айланишини ният қиладилар. Катта-кичик мусобақаларда гиламга чиқиб елкаси ерискаммаган бағдодлик Солижон полвон ҳам бу эзгу орзудан холи эмасди.

Полвон олишувларни кўриб кўзи пишсин, курашнинг сирини синоати билан танишсин, дея ўғли Фахриддинни давраларга ўзи билан олиб борарди. Бора-бора Фахриддин курашга бор вужуди билан берилиб кетди. Турли мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб бошлади.

...1993 йилнинг баҳори Фахриддинга катта омад келтирди. Ёш полвон Марғилонда бўлиб ўтган миллий курашнинг фарғонача усули бўйича мамлакат мутлоқ биринчилигида голиб чиқиб, ўзининг нималарга қодир эканлигини исботлади. Ушунда Солижон полвон фарзандига оқ фотиҳа бериб, янада нури келажак тилаганди. Бу ниятлар

ижобат бўлди. Фахриддин ўтган давр мобайнида юзлаб мусобақаларда иштирок этиб, мухлислари ишончини оқлади. Белбоғли кураш бўйича юртимизнинг энг кучли спортчисига айланди. Кўплаб совринларни кўлга киритди. Бу совринлар ичида отдан тортиб туюгача бор. Лекин Фахриддин полвон Ўзбекистон Президенти соврини - «Нексия» автомобилга мустақиллигимизнинг 11 йиллик тўйига бағишлаб август ойида Фарғонада бўлиб ўтган 1-халқаро турнирда эга бўлди.

— Туманимизни бежизга полвонлар юрти, деб айтишмайди, - дейди Фахриддин. — Бразилияда футбол қанчалек оммавий спорт тури бўлса, бизда кураш шундай ардоқ тоғган. Шу боис, заманимиздан Аъзам полвон, Рустам полвон, Аҳмад полвон каби машҳур курашчилар етишиб чиққан. Менинг озми-кўпми кўлга киритаётган ютуқларимга ҳам айнан шу нарса — туманимизда курашга бўлган эътибор катталиги сабаб. Зайлобиддин Мамажонов, Бахтиёр Ҳайдаров, Раҳматжон Олимов сингари кураш фидойилари — азиз устозларнинг сая-ҳаракат-

лари билан ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган спортнинг бу тури туманимизда жуда оммавийлашган.

— Дастлаб белбоғ ушлашни отам ўргатган, - дейди Фахриддин устозингиз ким, деган саволимга жавобан. — Гиламга эса мени Бахтиёр ака Ҳайдаров олиб чиққан.

Фахриддин камгап, камтарин йигит. У билан суҳбатлашган заррача киб оҳангини сезмайсиз. Қайта-қайта қистовлардан сўнггина таржимаи-ҳолини қисқа қилиб гапириб берди. 1970 йили Бағдод туманидаги Оқчангил қишлоғида туғилган. Шу ердаги 45-мактабда таҳсил олган. Ҳозир туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде мурабий бўлиб ишлайди.

Касаба уюшмалари спорт жамаияти аъзоси, таниқли курашчи Фахриддин Болтабоевнинг орзулари бисёр. У мамлакатимизда спортга берилаётган катта эътиборга жавобан белбоғли кураш бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатида голиб чиқиб, мамлакатимиз довурига доврўқ қўшмоқчи.

Мўйдинжон СОБИТОВ, «Ишонч» мухбири.

Намангандаги «Чорсу» бозорига кираверишда хунармандлар тайёрлаган махсулотлар савдога қўйилади. Хар гал бу ерга келганимизда халқимизнинг хунармандчилик санъатига қойил қолман. Бир бўлак матони ҳам ташлаб юбормай, улардан чиройли ёстиққошлар, кўрок кўрпачалар қавиган чеварлар, оддий матога жило бағишлаган зардўзлар, каштачилар тиккан сўзана, зардеворлар хайратимни оширади.

Айниқса, дўппи сотиладиган расталар гавжум. Бир-биридан сулувлар келинчақлар ўзлари тиккан дўппиларни харидорга кўрсатишмоқда. Улар бошқа сотувчилардек дўппиларини мақташмайди. Шундай бўлса-да нафосатга, гўзалликка ўч харидорлар бирпасда уларнинг махсулотига харидор бўлишади. Сабаби дўппилар арзон, сифатли ва чиройли. Бировга совға қилсанг ҳам, ўзинг қийсанг ҳам уялиб қолмайсан.

Шу пайт ўзаро баҳолашаётган икки аёлнинг сўзбати эътиборимни тортди.

— Ҳанифахон, сизга айтмадимми, ҳалиги маҳсининг чоки Жўраҳон устанинг ишига ўхшамайди, деб. Мана буни Жўраҳон уста тикканлар, чокларига қаранг, - аёл кўлидаги маҳсини гоҳ гижимлаб, гоҳ чокларини кўрсатиб, сифатини шеригиға мақтайди. Унинг сўзларидан қизиқишим ортиб, маҳсидўз устани кўргим келди. Аёллардан унинг манзилини сўрайман.

— Эҳ, сиз ёшлар, маҳсининг қадрини, сифатини қайдан ҳам билардингиз, уни киймансангиз, - дейди ўзини Онахон ая деб таништираган аёл. — Маҳси дегани жоннинг роҳати-

да. Айниқса, Жўраҳўжа уста тиккан маҳсини киймабсиз, дунёға келмабсиз. Сифатига ҳам гап йўқ, бир жуфт маҳси 5-10 йилга бемалол етади.

Отахон кўп тармоқли «Хадича - 26» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида ишларканлар.

— Дунёда хунардан яхши амал, хунармандликдан савобли иш йўқ, - дейди уста Жўраҳўжа

ота. Худого шукр, элга ишимиз манзур бўлган экан, йўқлаб келишмоқда. Одамларга кераклигини ҳис қилиб яшашбахт.

Отахон сўзини тугатмасдан мижозлар уни йўқлаб келишади.

— Тўй қилаётган эдик, - дейди салом-алиқдан сўнг кўхликкина аёл. — Келинга маҳсини Жўраҳўжа устадан ол, деб қайнонам тайинлаб юбордилар.

Ота келинчақлар учун тиккилган маҳсиларни унинг олдиға қўяди. Бир-биридан бежирим, чиройли гуллар, нақшлар билан зийнатланган маҳсилардан икки жуфтиға аёл харидор бўлади.

— Кўш келин туширяпсизми, - сўрайди ота.



Отахон хар бир шогирдининг фазилати ва хислатларини айтиб чарчамайди.

— Замон энди ёшларники. Улар кўлини қаерга узатишса етади.

Жўраҳўжа ота қўли гул уста-хунарданд, ёшларнинг севимли устози бўлиши билан бирга меҳрибон хонадон соҳиби ҳамдир. У турмуш ўртоғи Дилбар ая билан барча фарзандларини эл ишиға камарбаста қилиб тарбиялади. Хар бириға хунар ўргатди.

— Отам ҳамиша: «Гапни кетидан юрсанг йитасан, игнани кетидан юрсанг битасан», - дея бизни хунарли бўлишға ўргатдилар, - дейди катта қизлари Марғубахон. — Хунарининг кетидан рўзгоримиз обод, кўнглимиз тўқ.

— Отам ҳамиша: «Гапни кетидан юрсанг йитасан, игнани кетидан юрсанг битасан», - дея бизни хунарли бўлишға ўргатдилар, - дейди катта қизлари Марғубахон. — Хунарининг кетидан рўзгоримиз обод, кўнглимиз тўқ.

Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири.

МАҲСИДЎЗ ЖЎРА ОТА ВА УНИНГ ШОГИРДЛАРИ

Авторалли

«СЎҒДИЁНА — ҲАМДЎСТЛИК КУБОГИ-2002»



Шу йилнинг 19-21 октябр кунлари пойтахтимизнинг Хамид Олимжон метроси олдидан «Сўғдиёна — Ҳамдўстлик кубоги-2002» халқаро авторалли мусобақалари старт олади.

«Тошшаҳарийўловчитранс» давлат уюшмаси ҳамда «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент вилояти бўлими томонидан ташкил этилаётган ушбу спорт мусобақасида кўзга кўринган авторалличиларнинг иштироки кутилмоқда.

— Бу йилги мусобақалар ҳам Тошкент-Чимён-Тошкент йўналиши бўйича ташкил этилади, - дейди мусобақа ташкилий қўмитаси бошкотиби Дурдона Алимова. — Мусобақаларда Қозоғистон, Туркменистон вакиллари ҳам иштирок этади. Ушбу мусобақаларга Санкт-Петербурглик халқаро тоифадаги ҳакам В.Музучук ҳакамлик қилади.

Дарвоқе, «Сўғдиёна — Ҳамдўстлик кубоги-2002» мусобақаси билан бир қаторда, раҳбар ходимлар ўртасида «Раҳбар» хаваскор ралли ишқибозлари беллашуви ҳам ўтказилади. Унда корхона, фирма ва компаниялар мутасаддилари қатнашиши кутилмоқда.

Ушбу авторалли иштирокчилари орасида кўплаб таниқли спортчилар — ўтган йилги турнир голиби ака-ука Горбунов, Ўзбекистон чемпиони Мурод Қаюмов ва «Ўзбек авторалли маликаси» Шоҳида Раимбердиевалар ҳам бор.

Ғолибларни тақдирлаш маросими 21 октябрда республика «Бизнес маркази» биносида бўлиб ўтади.

А.ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири.